

## Яҳё Гуломовнинг Ўзбекистон археологияси тараққиётига қўшган муҳим ҳиссаси

Н.А. Аҳмеджонов

Жиззах вилоят халқ таълими ходимларини

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

маркази катта ўқитувчиси

(+998911955080)

### **Аннотация.**

Ушбу мақолада биринчи профессионал ўзбек археологи, академик Яҳё Гуломовнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, илмий педагогик фаолияти ва илмий мероси, кейинги авлод ўзбек археологлари учун яратган тажриба мактаби ҳақида маълумотлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** археология, ирригация, цивилизация, Моварауннахр, Хоразм, работ, Вархуман, Афросиёб, экспедиция, деворий суръатлар.

### **Аннотация.**

В этой статье рассказывается о жизни, научно-педагогической деятельности и научном наследии первого профессионального узбекского археолога, академика Яхя Гулямова и его опытной школы для узбекских археологов по следующего поколения

**Ключевые слова:** археология, ирригация, цивилизация, Маверауннахр, Хорезм, рабат, Вархуман, Афрасиаб, экспедиция, настенные росписи.

### **Annotation.**

In this article is considered the life way professional of first uzbek archaeologist academic Yahyo Gulomov and his scientific-pedagogical work, his scientific attitude to archoeology. There is also considered about his great knowledge on archaeology and his experience school for future generation

**Key words:** Archaeology, irrigation, civilization, Movaraunnakr, Khorezm, robot, Varxuman, Afrasiyab, expedition, wall paintings.

Инсониятнинг энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини ўрганиш катта аҳамиятга эга, ижтимоий фанлар тармоғи ичида, юксак нуфуз, салоҳият ва имкониятларга эга археология фанининг дастлабки ютуқлари XIX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлди. XX аср бошида машҳур инглиз археологи Г.Чайлд: “телескоп астрономияда қанчалик кўриш имкониятини оширган бўлса, бу фан ҳам (археология), ўтмишининг чексиз уфқларини кўришни шу даражада кенгайтди. Микроскоп биология фанида, катта организмларнинг ташқи қобикларини жуда кичик ҳужайралар ташкил этишини кашф этганидек, бу фан ҳам тарихшуносликда ўтмишни ўрганиш

имкониятларини юзлаб қарра оширди. Қисқаси, радиоактивлик кимё фани қанчалик миқёсда ўзгаришлар қилган бўлса, бу фан ҳам тарихшуносликда шу даражада ўзгаришлар ясади” -деб ёзган эди. [2,7]

Археология фани тугайли инсоният тарихи 2-2,5 миллион йилга қадимийлашди. Қадимги Миср, Икки дарё оралиғи, Ҳинд, Хитой, Майя, антик Греция ва Рим цивилизациялари кашф қилинди. [2,7]

Архаик ва қадимги даврларда географик ва сиёсий жиҳатдан Турон, ўрта асрларда Моварауннаҳр, Туркистон деб аталган бу қадимги юртда антик ва кейинги давр муаррихлари таърифлаганларидек- “қуёш ўлкаси-Хоразм”, “туғлари баланд кўтарилган-Бактрия”, “Турон замин юраги-Суғд”, “минг шаҳарли Давонь-Фарғона”, “қалъа-работлар мамлакати-Уструшона” каби шарқ мамлакатлари тарихи саҳнасида эътиборли ўрин олган давлатлар мавжуд бўлган, қизғин фаолият кўрсатган, икки азим дарё- Аму ва Сир оралиғини гулистонга, юксак маданият ва маънавият уюғига айлантирган аجدодларимиз яшаган. Ўзбекистон замини ўз бағрида, ўтмишнинг барча босқичларига оид қимматли ёдгорликларни асраб келаётган бебаҳо архивдир. Унинг ҳудудларида инсоният цивилизациясининг бебаҳо дурдоналари бўлган 8 мингдан ошиқ археологик ёдгорликлар сақланган. [3,8]

Ўзбекистонда бир юз қирқ йилдан зиёд олиб борилётган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу қадимги юрт инсоният томонидан қарийб 1,5 миллион йиллар илгари ўзлаштирилганлиги исботланди. Ватан археологияси тарихи маълумотларига қараганда, XX асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб Ўзбекистон археологияси фанига маҳаллий кадрлар кириб кела бошлади. Бу жараёнларда “биринчи қалдирғоч” вазифасини ўтаган Яҳё Ғуломовнинг босиб ўтган ҳаёти йўли, илмий педагогик фаолияти, илмий мероси ўзидан кейинги авлод ўзбек археологлари учун юксак намуна ва тажриба мактаби вазифасини ўтади. [6,10]

Яҳё Ғуломов 1908 йил 1 май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳаси Оқмасжид маҳалласида мадраса мадарриси оиласида дунёга келди.

Ўрта мактабни битиргач, аввал Тошкентдаги Ўзбек таълим институтида (УЗИНПРОС) (1923-1926), Самарқандда Ўзбек давлат педагогика академиясида (1927-1930) билим олди. Яҳё Ғуломовнинг Туркистонни қадимги тарихига бўлган қизиқишлари ўша пайтларда Самарқандда археологик қазилар билан шухрат топган шарқшунос олим ва ўлкашунос археолог В.Л. Вяткин билан учраштиради.

У 1921 йилдаёқ Самарқандга уюштирилган саёҳатлар пайтида В.Вяткин билан танишади. Яҳё Ғуломов ўқиш даврида ўзбек археологиясининг дастлабки тамал-тошларини қўйган бу машҳур олим билан янада яқиндан мулоқотга киришади. В.Вяткин уни ўрта асрлар даври тарихи

учун энг муҳим ёзма манбалар билан таништиради. Яхё Ғуломов, шунингдек, В.Вяткин билан Афросиёб харобаларини ўрганишда археологик экспедицияларда ҳам қатнашади. Бу учрашувлар, теран маъноли маърузалар, суҳбатлар, Афросиёб ва турли тарихий жойларга бирга боришлар Я.Ғуломовни археологияга бўлган қизиқишини янада оширади.

1933 йилда Я.Ғуломов Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз ва Тошкентдаги нодир меъморий обидаларни сақлаш ва уларни ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб борди, археологик экспедициялар эса илмий билимларини бойитди.

1933 йил М. Е. Массон бошчилигида Термиз, 1934 йилда А.Ю. Якубовский раҳбарлигида Давлат Эрмидажи ва “Узкомстарис” томонидан уюштирилган Зарафшон экспедицияси таркибида илмий изланиш ва тадқиқотларда қатнашди. Бу даврда Я.Ғуломов дала шароитида археологик кидирув ишларини ташкил этиш, қайд этилган ёдгорликлар устида дастлабки тадқиқотлар ўтказиш бўйича илмий тажрибаларни кенгайтирди.

Мустақил археологик тадқиқотларни Я.Ғуломов илк бор 1936 йилда қадимги Хоразм ерларида ҳаваскор археолог дўсти Т. Мирғиёсов билан биргаликда бошлади. 1937 йилда унинг гуруҳига археолог А.И.Тереножкин ва архитектор Б.Н. Засипкинлар жалб этилди.

Я.Ғуломов қадимги Хоразм ерларида сақланиб қолган сон-саноксиз археологик ёдгорликлар, бу кўҳна ўлкани қачонлардир оби ҳаёт билан таъмин этган кўҳна суғориш тармоқларининг қуруқ ўзанлари ва атрофда сочилиб ётган турли-туман археологик топилмаларни ўрганар экан, деҳқончилик хўжалигининг асоси ҳисобланган суғориш тарихи билан жиддий шуғулланишни илмий-тадқиқотларининг ўзаги сифатида қарайди. Чунки, Ўрта Осиёнинг қадимги маданият масканларидан бири ҳисобланган Хоразмнинг ўзлаштирилиб обод этилиш тарихи, қадимги маданияти ва бу ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларга аниқлик киритиш учун Хоразмнинг суғорилиш тарихини босқичма-босқич синчиклаб ўрганиш ва катта куч билан кенг қўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш зарур эди.

1937 йил кузида собиқ Иттифоқ Фанлар академияси қошида Хоразм археологик экспедицияси ташкил этилди. Унга С.П.Толстов раҳбар этиб, Ўзбекистон Фанлар комитетидан эса Я.Ғуломов унга ёрдамчи қилиб тайинланди. 1937 йил Я.Ғуломов Хоразм моддий маданият обидаларини чуқур, янада изчиллик билан тадқиқ этишга киришди. [5,16-18]

Я.Ғуломов Хоразм воҳасида қалъа, кўрғон эски шаҳар харобаларини ўрганишда гўё очиқ усулдаги музей-кўриқхона сифатида турган, турли даврларда қурилган меъморий комплексларга бой Хива шаҳрига, унинг

обидаларига алоҳида эътибор қаратади, улар устида кўплаб тадқиқотлар олиб боради. Бу изланишларнинг натижаси 1941 йилда Я.Ғуломов қаламига мансуб “Хива шаҳри обидалари” номли китоби босилиб чиқади. Орадан кўп ўтмай, яъни 1943 йилда Я.Ғуломов “Хива ва унинг обидалари” мавзусида тарих фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилади. 1950 йиллар Я.Ғуломов илмий ҳаётининг энг сермахсул даврларидан биридир. Бу даврда Я.Ғуломовнинг докторлик иши асосида юзага келган “Хоразмнинг суғорилиш тарихи, қадим замонлардан ҳозиргача” номли китоби дастлаб, 1957 йилда рус тилида, сўнгра 1959 йилда ўзбек тилида нашр этилди. 1955 йил профессор илмий унвонини олади. 1956 йилда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси этиб сайланади. 1958 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлади. 1966 йилда Я.Ғуломов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги унвонини олади. [4,3-5]

Я. Ғуломовнинг илмий фаолияти диққат марказида Ўзбекистон тарихи ва моддий-маданиятининг уч йўналиши муаммолари турар эди. Булар- Ўзбекистоннинг қадимги замонлардан ҳозирги кунларгача бўлган суғорилиши тарихи; Ўзбекистоннинг уруғ жамоа тузуми тарихи; Ўрта Осиёнинг октябрь тўнтаришигача бўлган тарихи. Ушбу илмий муаммоларни ҳал қилиш учун Я.Ғуломов бир қанча археологик қидирув экспедицияларига раҳбарлик қилади. Ўзбекистон тарихининг неолит даврига оид Дарвозақир жойи ва Замонбобо қабристонини очилиши, Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларида жойлашган тош даври ёдорликларини ўрганилиши, Жиззах воҳасининг шимолий ғарбий сарҳадларидан мажусийларнинг тош қурбонгоҳини (долмень) топилиши, Тошкент воҳасидан Оби-рахмат, Фарғонадан палеолит, мезолит, неолит даври ёдгорликларини қайд этилиши, машҳар Хива будда ибодатхонасини очилиши каби муҳим кашфиётларни барчаси Я.Ғуломов номи билан боғлиқ. Бу даврда академик Я.Ғуломов ўзининг улкан тадқиқот ишлари билан илмий жамоатчиликнинг диққат марказида бўлди. [4,3-5]

Ўзбекистон археологияси тадқиқотларига табиий фанлар усулларини жорий қилиш, бунинг натижасида нодир топилмаларни реставрация ва консервация қилиш ишларида ҳам Я.Ғуломов жонбозлик кўрсатди.

Маълумки, 1965 йили Афросиёб ёдгорлигида илк ўрта асрлардаги Самарқанд ҳокими Вархуманнинг муҳташам саройи очилади. Сарой деворлари такрорланмас ранг тасвир суратлар билан безатилган эди. Лекин республикада ушбу қимматли топилмаларни юксак савияда кўчириб оладиган тажрибали таъмирчи, санъатшунослар етишмас эди. Топилмаларни очиш маълум муддатда кечиктирилади. 1966 йилда Я.Ғуломов Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих ва Археология институти қошида кимё-технология

тадқиқотлари ва консервациялаш лабораториясини ташкил этилишига жуда катта ҳисса қўшди. Ушбу лабораторияда олимлар ишлаб чиққан кимёвий таъмирлаш усуллари туфайли кўпгина санъат обидалари, жумладан, жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган Афросиёб, Варахша, Зартепа, Товқа, Жартепа тасвирий санъат асарлари, Сополлитепа, Куёвқурғон ҳайкаллари, турли ёзув маданияти намуналари сақлаб қолинди ва халқимизнинг маданий меросига айлантирилди.

Узоқ йиллар давомида фанда олиб борган ҳалол, матонатли меҳнати учун Я.Ғуломов бир неча бор собиқ иттифокнинг ва республика ҳукуматининг турли нишон ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан мукофатланди.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1988 йил 10 май қарори билан Я.Ғуломов хотирасини абадийлаштириш мақсадида ЎзР ФА Археология институтига, Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилди. [7,48]

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин Я.Ғуломовнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга қўшган улкан ҳиссаси ҳам ҳукумат томонидан эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида шундай деган эди. “Вазият тақозо этганда отилиб чиқадиган, қаҳрамонлик кўрсатиш ҳам осон эмас. Лекин ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзининг буюк мақсад сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш-ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу. Бу ҳамманинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсонга буюк ва метин ирода керак. Академик Я.Ғуломов ўзининг мустақил фикрини юқори лавозим эгаларига ёқмайдиган тўғри гапларни дадил айта оладиган улкан олим эди.” [1,166]

Хуллас, академик Я.Ғуломов кабинет олими эмас эди. У доимо халқ орасида, шаҳар, туман, қишлоқларда юриб халққа, фанга хизмат қилди. Шу сабабли халқ қалбидан ва оддий халқ вакиллари бўлмиш шогирдлари юрагидан халқ академиги сифатида абадий жой олди. [4,7]

Ёш археолог олимларга бундай матонатли инсонларнинг археологик илмий изланишларини ўрганиш Ватанимиз тарихини ҳали очилмаган археологик манзилгоҳларига экспедициялар олиб бориш ва янги тарихимизни яратишда тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”. 2008. 166-бет
2. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси //Ўзбекистон моддий маданияти тарихи // 32-нашр 2001. 7-бет.
3. А.Э.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев. Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг тараққиёти. //Ўзбекистон моддий маданияти тарихи// 37-нашр 2005. 8-бет
4. Т.Ш. Ширинов, М.Ҳ.Пардаев, Ж.К.Мирзааҳмедов. Академик Я.Ғ.Ғуломовнинг ҳаёт йўли ва илмий мероси. //Ўзбекистон моддий маданият тарихи// 29-нашр. Самарқанд. 1998. 3-7-бетлар
5. А.Р.Муҳаммаджонов. Я.Ғуломов илмий фаолиятининг асосий йўналиши борасида. //Ўзбекистон Археологияси// Тошкент 2010 1-нашр 16-18-бетлар
6. Т.Ш. Ширинов, А.Э.Бердимуродов М.Ҳ.Пардаев. “Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихидан” //Ўзбекистон Археологияси// Тошкент. 2010. 1-нашр 10-бет
7. А.Муҳаммаджонов. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 4-сон “Давлат илмий нашриёти” 2003. 48-бет.